


**Ўзбекистонда Чингиз Айтматов ижодини чуқур биладиган, унинг барча асарларини ўқиган китобхону ижодкорлар, мунаққидлар кўп. Бирок, муболағасиз айтиш мумкинки, адиб яратган асарлар, улардаги қаҳрамонлар руҳий олами ни бор гўзаллиги билан Асил Рашидов даражасида чуқур биладиган адабиётчини, адабиёт ихлосмандини топиш мушкул.**



вазифалардан бири эди. Асил Рашидовнинг талабалар билан узоқ йиллик юзма-юз мулоқоти шу вазифани амалга оширишга қулай имкон туғдирди.

Бир сўз билан айтганда, кўлимиздаги монография муаллифнинг ярим асрлик серкира ижодий меҳнатининг нати-

санъаткор маҳоратини, қаҳрамонлардаги ўзига хосликларни очиб беради.

Масалан, Жамиланинг эри тирик бўлатуриб, ундан воз кечишини тасвирлаш ёзувчи учун осон бўлган эмас. Оилани муқаддас билган, қўйди-чиқдилар деярли бўлмаган қирғиз миллий

Асил Рашидов китобда Чингиз Айтматов асарларини изчил таҳлил қилар экан, қаҳрамонлар ўз моҳиятига кўра миллий қадриятлар доирасидан умум-башарий хусусиятлар томон ривожланиб боришига эътибор беради. Бу хусусият ёзувчи ижодида, айниқса, «Сомон

## ■ Китобингизни ўқидим

зишда қўллайдиган бир усули бор. Бу — қаҳрамон қалбида кечаётган жараёнларни параллел — мифологик мотивлар, образлар воситасида очиш услубидир. «Алвидо, Гулсари»даги Танабойни Гулсаридан жудо қилмоқчи бўлганларидаги ҳолатни ёзувчи туянинг ўз бўталогини йўқотгандаги армонини ифодаловчи куйнинг қудратини талқин этиш орқали очиб беради. Танабойнинг дўсти Жўра вафоти тасвирланган лавҳа таъсирини кучайтириш учун адиб асарга янгилиб ўз ўглини отиб қўйган овчи марсияси — «Кекса овчининг қўшиғи»ни олиб киради. «Ҳолимга ким йиғлар, ўғлим Қорағул» деб бошланадиган қўшиқ — марсияни ўз ичига олган «Алвидо, Гулсари»ни ўзбек тилига ўгириш асносида Асил Рашидов юксак маҳорат намунасини кўрсатган эди. Ушбу монографияда энди бундай парчаларнинг асардаги поэтик ўрни ва қудратини танқидчи сифатида усталик билан таҳлил этади. «Оқ кема»даги Шохдор она буғу, «Асрга татиғулик кун»даги Манқурт, Она Байит қабристонини билан ало-

қадор мифологик мотивлар талқин ва таҳлили хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалар билан бирга, монографияни янада мукамалроқ кўриш истагида айрим таклифларни ҳам ўртага ташлашни лозим топдим. Чунотчи, монографиянинг охириги қисмларидаги Ч.Айтматов ижодида меҳнат мавзусининг акс этиши ҳақидаги мулоҳазаларнинг ҳар бири шу асарлар таҳлил этилган олдинги қисмларга олинса маъқул бўларди. Бу ҳолатда фикр аслида такрор бўлмаса ҳам асарларга муносабат билдиришда такрорга йўл қўйилаётгандек таассурот қолдираётти.

Ч.Айтматов асарлари библиографиясини бериш принципини яна бир ўйлаб қўриш мумкин. Юқоридаги таклифлардан маъқул топганини амалга ошириш эса муаллифга ҳавола.

Бу китоб икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақамлаш билан бирга, ёшларни адолат, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**  
академик

# БАДШИЙ ОЛАМ ШАДЖИКИ

жасидир. Бу ўринда янги сифатини қўллашимизнинг сабаби бор. Гап шундаки, мазкур китоб муаллифнинг «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Юзмаюз», «Биринчи муаллим», «Оқ кема», «Сомон йўли», «Алвидо, Гулсари», «Асрга татиғулик кун» сингари асарлар ҳақидаги аввалги мақолалари, тақризларининг такрорий йиғиндисидан иборат эмас.

Чунотчи бу ўринда муаллиф Ч.Айтматов асарлари ҳақидаги кузатишларини янги давр — истиқлол даври мезон ва талабларини асосида янада бойитади. Унинг ўзбекона содда, лекин теран фикрлаш тарзи асар поэтикасини, унинг бадииятини,

анъаналарини ёриб чиққан қаҳрамон хатти-ҳаракатини далиллаш билиш ёзувчидан беқиёс маҳорат талаб этарди. Айни вақтда танқидчи адибнинг маҳоратини англаши, ёзувчилик сир-асрорларини нозик илғай билиши тақозо қилинарди.

Танқидчи Чингиз Айтматов маҳорати сирларини очиш учун унинг қаҳрамонлари характери таҳлил қилиш билан чекланмайди. Баъзан у асар руҳига ҳам алоҳида эътибор беради. Хусусан, «Жамила»нинг мўъжизасини таъминлаган фазилатлардан бири унинг «ўзига хос дилрабо ички оҳанги»дир деган экан, унинг фикрига тўла қўшиламиз.

йўли»даги Тўлганой қиёфасида ёрқинроқ намён бўлади. Мунаққиднинг ёзишича: «Ёзувчи ҳар бир образ ва персонажнинг ўзига хос сўзлаш, фикрлаш, ҳаракат қилиш, психологик намён бўлиш индивидуал услубини яратиш билан қаноатланиб қолмай, балки асарда воқеаларни тасвирлашнинг умумий, муаллиф услубини ҳам бош қаҳрамоннинг нутқ услубига бўйсундиради». Бу назаримизда, Чингиз Айтматов услубига доир муҳим қирралардан биридир.

Чингиз Айтматовнинг қаҳрамон руҳий дунёсидаги талотумларни, азоб-уқубатларни ўқувчига ниҳоятда таъсирчан етқа-

Бунинг сабаби бор, албатта. Асил Рашидов баъзи бир асарларини ҳисобга олмаганда Чингиз Айтматовнинг буткул ижодини ўзбек тилига ўгирган таржимон ҳисобланади. У ярим аср мобайнида адиб асарларини таржима қилиш билан чекланиб қолмай, улар ҳақида кўплаб адабий-танқидий мақолалар ҳам эълон қилди. Олимнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Чингиз Айтматовнинг бадиий олами» (2008) номли асари айрим мутахассисларнинг китоб ўқиб-гина ёзилган тадқиқотларидан жиддий фарқ қилишининг са-

баби ҳам шунда. Таржимадек машаққатли, синчков ижодий меҳнат мутаржимни Чингиз Айтматов бадиий дунёсининг синоатлари ичига олиб кирди. Адиб асарларини мунаққид сифатида таҳлил этиш эса ёзувчи маҳорати сирларини очиш, унга асос бўлган омилларни аниқлаш имкониятини яратди. Ч.Айтматов асарлари, қаҳрамонлари, ғояларини бу қўшқанот восита орқали идрок этиш натижасида чиқарилган хулосаларни апробациядан ўтказиб, ҳаётга жорий этиш — уларни қалб ва тафаккурга сингдириш масъулиятли